

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12. 2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ БАХТИЁР ТОХТАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТ ҲОЛАТИНИ ЗАМОНАВИЙ
ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДА
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий
ресурслардан оқилона фойдаланиш

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

**География фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора географических наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of
doctor of geographical sciences (DSc)**

Курбанов Бахтиёр Тохтаевич

Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини замонавий ГАТ
технологияларини қўллаш асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш 3

Курбанов Бахтиёр Тохтаевич

Анализ и оценка состояния окружающей среды в Узбекистане на
базе применения современных ГИС технологий27

Kurbanov Bakhtiyor Tokhtaevich

Analysis and assessment of the state of the environment in Uzbekistan
based on the use of modern GIS technologies.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....53

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12. 2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ БАХТИЁР ТОХТАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТ ҲОЛАТИНИ ЗАМОНАВИЙ
ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДА
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий
ресурслардан оқилона фойдаланиш

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Gr30 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nauka.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Баҳритдинов Баҳодир Арифович география фанлари доктори (DSc), профессор Қулматов Рашид Анорович кимё фанлари доктори, профессор Гаппаров Фурқат Аҳмедович техника фанлари доктори (DSc), профессор
Етакчи ташкилот	Наманган давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12. 2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир мартали илмий кенгашнинг 2021 йил «20» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99824) 227-72-24, факс: (+99824) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: geografiya.nnuuz@mail.ru. (Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-67-71, Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабрь куни тарқатилди
(2021 йил «10» декабрь даги 35-рақамли реестр баённомаси)



Н.Н.Сабитова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., проф.

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доц.

З.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, г.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда қишлоқ хўжалиги сектори самарадорлигини ошириш мақсадида, табиатга антропоген таъсир йилдан йилга кучайиб бормоқда. Бу эса жаҳон миқёсида, биринчидан, атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашувига, иккинчидан эса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан табиат муҳофазаси ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш манфаатлари ўртасида кенг кўламли, ечими мураккаб бўлган қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу борада БМТнинг Бутунжаҳон маърузасида «Кўплаб экотизимлар, хусусан, ўрмонлар ва сув-ботқоқлик тизимлари хавф остида қолмоқда. Экотизимлар деградацияси нафақат биохилмахилликка, балки улар билан боғлиқ бўлган хизматларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади»¹, деб қайд этилган. Шу туфайли инсон хўжалик фаолиятининг чўлланиш, тупроқ-ўсимлик қопламнинг деградацияси, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишига таъсири масалаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда инсон хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга, жумладан, тупроқ ва сув ресурсларининг ифлосланиши, чўлланиш жараёнларига салбий таъсирини баҳолашга ҳамда бундай шароитларга мослашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга, уларнинг жадаллашишини олдини олишга ва бу борада замонавий географик ахборот тизимлари – ГАТ технологияларини қўллашга устувор аҳамият берилмоқда. Айни пайтда, дунё миқёсида антропоген омил таъсирида вужудга келган экологик вазиятнинг туб сабабларини аниқлаш, уларни миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш усулларини такомиллаштириш, инсонлар ҳаёти учун қулай табиий шароитни таъминлаш учун атроф-муҳит ҳолати мониторинги тизимини янада мукамаллаштириш, шу мақсадда ГАТ технологияларини кенг миқёсда қўллаш масалалари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазасига ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида мамлакатимизда «атроф-муҳит объектларини - атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилмахиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудларни антропоген таъсирдан сақлаш ва сифатини таъминлаш»² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Уларни ҳал этишда, жумладан, мамлакатимизда бугунги кунда юзага келган экологик вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогнозлаш жараёнларида замонавий ГАТ технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

¹ The United Nations World Water Development Report, 2020. Water and climate change. www.unesco.org/water/wwap.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони

4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 132-сон «Орол денгизи тубидаги сув қуриган ҳудудларда “яшил қопламлар” – химоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Антропоген таъсир натижасида экологик вазият ва атроф муҳит ҳолатидаги ўзгаришларни замонавий ГАТ технологияларини қўллаш асосида таҳлил қилиш, баҳолаш ва уни яхшилаш бўйича тезкор чора тадбирлар кўриш мақсадига йўналтирилган илмий тадқиқотлар бугунги кунда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Канаданинг табиий ресурслар вазирлиги (NRCan, Канада), Швейцариянинг Атроф-муҳит, ўрмонлар ва ерлар вазирлиги (FOEFL, Швейцария), Фарбий Мичиган университети (АҚШ), Атроф-муҳит тизимлари тадқиқот институти (ESRI, АҚШ), Халқаро бизнес машиналари (IBM, АҚШ), Россия ФА География институти (Россия), ВНИИгеосистем (Россия), Миллий аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш бошқармаси (NASA, АҚШ) ва бошқа ташкилотларда олиб борилмоқда.

Атроф-муҳит ҳолати мониторингини олиб бориш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва юзага келган вазиятни баҳолашда ГАТ технологияларини қўллаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-амалий натижалар олинган, жумладан: ер усти сувларининг миқдорий ва сифат ўзгаришлари муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган (NRCan, Канада); сув ресурсларини бошқариш жараёнини яхшилаш ва шу билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида, ГАТ технологиялари асосида, сув ахборот тизими GEWISS яратилган (FOEFL,

³ Хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи www.khatibalami.com, www.arcwfd.com, europa.eu.int/comm/environment/water/water-framework/index_en.html, www.gewiss.ch, www.ined.fr, www.icid.org, www.cawater-info.net, www.msu.ru, https://ru.wikipedia.org/wiki/Министерство_природных_ресурсов_и_экологии_Российской_Федерации, <https://www.geo-base.ru/> ва бошқа сайтлар ёрдамида амалга оширилди.

Швейцария); атроф-муҳит ўзгаришлари, атмосфера циркуляцияси ва иқлим ўзгаришининг ўзаро корреляцион боғлиқлигини намоиш этувчи ГАТ модели ишлаб чиқилган (West Michigan University, АҚШ); дунёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, ГАТ технологиялари асосида, Идрокли Сув (Smart Water) дастурий таъминот пакети яратилган (IBM, ESRI, АҚШ); сув ифлосланишини камайтиришга ёрдам бериш учун махсус дастурлар яратилган (SFPUC, АҚШ); фазовий маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини мониторинг қилишнинг махсус дастурлари яратилган (РФА География институти, Россия); атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича тезкор мақбул ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган махсус “ГИС Интегро” ГАТ тизими яратилган (ВНИИгеосистем, Россия).

Дунёда атроф-муҳит ҳолатини замонавий ГАТ технологиялари асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича куйидаги устувор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда: атроф-муҳит мониторингини юритишда юқори аниқликдаги космик суратлар ва кўп зоналли камералар билан жиҳозланган пилотсиз учувчи аппаратлардан фойдаланиш; атмосфера ҳавоси, ер ва сув ресурсларини таҳлил қилиш ва баҳолашда ерни масофадан туриб зондлаш усулини қўллаш; атроф-муҳит ҳолатига оид мавзули карталарни тузиш ва уларни амалиётга жорий этиш; қуриган Орол денгизи тубини ўрмонлар билан қоплаш, юқори сейсмик зонада жойлашган сув омборлари мониторингини олиб бориш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари масалалари билан О.И. Субботина, Г.А. Толкачева, Ю.В. Петров, Р.К. Кузиев, Э.И. Чембарисов, Б.А. Бахритдинов, В.А. Духовний, В.Е. Чуб, Л.З. Шерфединов, М.А. Якубов, В.А. Попов, Н.И. Сабитова⁴, Ҳ.А. Тойчиев, Ф.Х. Хикматов⁵, Е.Б. Лопатина, О.Р. Назаревский, Э.Д. Санжеев, А.М. Большаков, Е.В. Пуцилло, Б.Н. Мубаракшин, Е.Н. Андреева бошқа тадқиқотчилар шуғулланганлар.

Шунингдек, Е.Е. Ширяев, В.Я. Цветков, В.С. Тикунов, С.Н. Сербенюк, А.В. Кошкарев, А.М. Берлянт, П.Р. Реймов, С.В. Мягков, А.Т. Teng, S.A. Joseph, A.R. Shojaee, L.A. Zadeh, J. Raper, P. Longley, M. Goodexild, D. Maguire, D. Rhind, M. Konecny, S.A. Orlovsky, M. Sugeno, M. DeMers каби хорижий мамлакатлар олимлари замонавий ахборот технологиялари ва математик моделлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда юқоридаги муаммоларнинг ечими устида тадқиқотлар олиб борганлар. Ўзбекистонлик олимлардан Э.Ю. Сафаров, Ш. Пренов, А. Мўминов, Р.Қ. Ойматов, Л.Х.

⁴ Сабитова Н. И., Стельмах А. Г., Таджибаева Н. Р. Картирование оползней и оползневых процессов в Узбекистане с использованием рельефоластики (на примере Чирчикского бассейна). ИнтерКарто. ИнтерГИС. Геоинформационное обеспечение устойчивого развития территории: Материалы Международ. конф. М.: Издательство Московского университета, 2020. Т. 26. Ч. 1. С. 572-583.

⁵ Хикматов Ф.Х., Юнусов Г.Х., Хакимова З.Ф. Закономерности формирования стока горных рек в условиях изменения климата. - Ташкент: «Fan va texnologiya», 2020. - 243 с.

Гулямова ва бошқалар ГАТ технологияларини картография, қишлоқ хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳаларида қўллаганлар.

Бирок, юқорида номлари тилга олинган олимларнинг тадқиқотларида изланишлар маълум бир йўналишда амалга оширилган ва уларда эришилган натижалар ҳам мазкур тадқиқот доирасига мос бўлган. Таъқидлаш лозимки, уларда атроф-муҳит ҳолати мониторингини олиб боришда ГАТ технологияларини қўллаш имкониятларини очиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмаган. Мазкур диссертация иши юқоридаги тадқиқотлардан замонавий географик ахборот технологиялари асосида атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш, уни аҳолининг ҳаёт сифатига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш масалаларини Ўзбекистон мисолида кўриб чиқилганлиги билан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази (Кадастр палатаси) илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ А-7-367 "Ўзбекистон Республикасида ер усти сувлари сифатининг интеграллаштирилган географик ахборот тизимини яратиш ва юритиш" (2006-2008 йй.), А-7-038 "Замонавий интегралланган ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда Орол денгизи ҳавзаси шўр сувлари оқими базисини қайта тиклаш концепцияси" (2015-2017 йй.), А-7-041 "Интеграллаштирилган ГАТ технологиялари асосида, биоиндикаторлардан фойдаланган ҳолда, ҳавонинг антропоген ифлосланиш даражаси бўйича ҳудудни таҳлил қилиш, баҳолаш ва районлаштириш (Фарғона вилояти мисолида)" (2015-2017 йй.), ПЗ-20170929562 «Адир-текислик ҳудудлари юқори сейсмик фаол зоналарида жойлашган сув омборлари майдонидаги шикаст етказувчи омилларни GIS технологиясини қўллаб баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш (Жанубий Сурхон ва Пачкамар сув омборлари мисолида)» (2018-2020йй) ва бошқа мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаш асосида Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атроф-муҳит ҳолатини тезкор баҳолаш масалаларини уч ўлчамли моделлаштириш усулларини қўллаш йўли билан ҳал этиш;

рельеф эффектларини ҳисобга олган ҳолда, юқори аниқликдаги космик суратларни аниқ орторектификация қилиш технологиясини ишлаб чиқиш;

математик моделлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда, иқлим, тупроқ ресурслари ва ҳудудларнинг чўлланиш жараёнларини баҳолаш

карталарини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида республиканинг табиий шароитларини районлаштиришнинг синтез карталарини ишлаб чиқиш;

биоиндикаторлардан фойдаланган ҳолда, ҳудудлар ҳавосининг антропоген ифлосланиш даражаси бўйича баҳолаш ва районлаштириш услубларини ишлаб чиқиш;

фаол сейсмик зоналарда жойлашган сув омборлари иншоотлари мажмуига шикаст етказувчи асосий омилларни аниқлаш ва карталаштириш;

уч ўлчамли моделлаштириш усулларида фойдаланилган ҳолда, автоматлаштирилган режимда шўр қочириш тармоқлари ва унинг бош тракти лойиҳасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг антропоген омиллар таъсирида атроф-муҳити ҳолати беқарорлашган ҳудудлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитлари, ер усти сувлари, атмосфера ҳавосининг сифати, экотизимларнинг чўллашиш жараёнлари ва уларнинг ўзгариши хусусиятларини баҳолаш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида атроф-муҳит ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашда замонавий ГАТ технологиялари ва стандарт дастурий таъминот модуллари, GNSS технологиялари, космосдан олинган суратларни дешифровкалаш, математик моделлаштириш, картографик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

юқори аниқликдаги сунъий йўлдош тасвирларини аниқ орторектификация қилиш технологияси рельеф эффектининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳудуди учун ишлаб чиқилган;

дешифровка намуналари банки, ГАТ технологиялари асосида ишлов берилган, юқори аниқликдаги сунъий йўлдошлар тасвирларидан фойдаланган ҳолда яратилган;

иқлим, тупроқ ресурслари ҳамда чўллашиш жараёнларининг таъсирини ифодаловчи мавзули карталар, ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда, яратилган, уларни комплекс таҳлил қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

атмосфера ҳавосининг ифлосланганлик ҳолатини тезкор таҳлил қилишнинг биоиндикация усули ишлаб чиқилган.

ГАТ технологиялари асосида, уч ўлчамли моделлаштириш усулларида фойдаланилган ҳолда, автоматлаштирилган режимда шўр қочириш тармоқлари ва бош тракти лойиҳаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Топографик карталар асосида жойнинг уч ўлчамли моделини ишлаб чиқиш технологияси такомиллаштирилган;

прецизион ишлов берилган космик суратлар аниқлигини ошириш

технологияси, автоматлаштирилган ер кадастри тизимини яратиш ва юритиш талабларига мос ҳолда такомиллаштирилган;

ГАТ технологиялари ва математик моделлаштириш усулларини қўллаш асосида тупроқ ва иқлим ресурслари, экотизимларнинг чўлланиш жараёнлари мавзули карталари яратилган, улар асосида янги, синтез карталари тузилган;

биоиндикация усулларини қўллаш асосида Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудлари ҳавосининг ифлосланиши карталари тузилган;

давлат ўрмон кадастри юритишнинг автоматлаштирилган ГАТ модели технологик тамойиллари яратилган;

уч ўлчамли моделлаштириш усулларидан фойдаланилган ҳолда, автоматлаштирилган режимда шўр қочириш тармоқлари ва бош тракти лойиҳаси тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишлар жараёнида замонавий географик ахборот тизимлари ва GNSS технологияларидан, INTERGRAPH ва ArcGIS дастурий-технологик мажмуаларидан, математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилганлиги, ишда олинган натижаларни турли тадқиқотчилар томонидан бошқа усулларни қўллаш асосида олинган маълумотлар ҳамда уларни дала тадқиқотлари, юқори аниқликдаги масофадан туриб зондлаш материаллари билан қиёсий солиштирилганлиги, уларнинг ўзаро мослиги, шунингдек, диссертацияда олинган илмий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда бу ҳолатнинг тегишли ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда атроф-муҳит ҳолатини замонавий географик ахборот тизимлари (ГАТ)ни қўллаш асосида таҳлил қилиш ва баҳолашнинг Ўзбекистон мисолида олинган асосий илмий натижалар ва улардан келиб чиқадиган хулосаларда келажакда атроф-муҳит мониторинги самародорлигини ошириш имконини берадиган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилганлиги, ГАТ технологияларининг ривожланишига мос равишда уларни ҳам такомиллаштириб бориш, шунингдек, ишда қўлланилган илмий ёндашувларни бошқа ҳудудларда ҳам қўллаш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар келажакда атроф-муҳит мониторингида инновацион ғояларни шакллантириш ва ривожлантиришда, атмосфера ҳавоси, ер усти ва ер ости сув ресурслари сифатини тезкор баҳолаш ва муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишда, уларни амалиётда қўллаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диссертацияда ГАТ технологияларини қўллашга услубий ёндашувлар, унинг асосий хулосалари ва материаллари республика олий таълим муассасаларида атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш

соҳалари фанларини ўқитиш жараёни сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини ГАТ технологияларини қўллаш ёрдамида баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сунъий йўлдошлар тасвирларини, рельеф эффектини ҳисобга олган ҳолда, аниқ орторектификация қилиш технологияси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида (Кадастр агентлигида) ер кадастрини юритишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 15 февралдаги 03-08-723-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ГАТ технологиялар асосида ишлов берилган юқори аниқликдаги сунъий йўлдошлар маълумотларини дешифровка қилиш намуналари банкидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида экин майдонлари ҳолатини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 15 февралдаги 03-08-723-сон маълумотномаси). Натижада, автоматлаштирилган давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

иқлим, тупроқ ресурслари ҳамда чўллашиш жараёнларининг рақамли мавзули карталари ҳамда уларни комплекс таҳлил қилиш технологиялари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф-муҳит ҳолатини замонавий интеграллаштирилган ГАТ технологиялари асосида баҳолаш ва таҳлил қилишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 12 апрелдаги 04-02/8-1465-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудда экологик вазиятни баҳолашнинг қулай, тезкор ва самарадор юритиш имконини берган;

атмосфера ҳавоси ҳолатини баҳолашнинг биоиндикация усули Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида экологик вазиятни таҳлил қилишда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 01/04-785-сон маълумотномаси). Натижада, атмосфера ҳавосининг экологик ҳолатини тезкор таҳлил қилиш ва баҳолаш имконияти яратилган;

сув объектлари мониторингини юритиш ва сув омборлари акваторияларини, уларнинг қирғоқларини емирилиш даражасига кўра, рақамли районлаштириш карталари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида сув объектлари мониторинги бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 12 апрелдаги 04-02/8-1465-сон

маълумотномаси). Натижада, республика сув омборларига шикаст етказувчи омиллар таъсирининг тезкор олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаларини белгилаш имконияти яратилган;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ГАТ технологиялари асосида автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва уч ўлчовли моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда, яратилган шўр қочириш тармоқларининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 375/01-22 сон маълумотномаси). Натижада, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш даражасини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтаришнинг қўшимча имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 12 та халқаро илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, форумлар ва конгрессларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий ишлар, шулардан 1 та монография (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 9 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 218 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари ёритилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, мавзу доирасида нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Атроф-муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолашда замонавий ахборот тизимларининг аҳамияти"** деб номланган **биринчи бобида** замонавий ахборот технологияларининг республикада экологик, атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал

этишдаги аҳамияти баён этилган. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг жадал инновацион ривожланишини таъминлашда ахборот технологияларининг аҳамияти кўрсатиб берилган. ГАТ технологияларининг (АҚШ, Канада, Япония, Европа давлатлари ва бошқа) кўплаб мамлакатлар амалиётида кенг қўлланиши таъкидланган. Рақамли картография ҳар қандай ГАТ лойиҳасининг энг муҳим қисмларидан биридир. Диссертацияда Ўзбекистон ҳудудининг 1:1 000 000, 1:500 000 ва 1:200 000 миқёслардаги рақамли топографик карталари ишлаб чиқилган.

Дунёда ГАТ технологияларининг жадал суратларда ривожланишига, кўп жиҳатдан унинг ҳарбий тузилмалар ва бошқа соҳалар фаолиятида долзарб аҳамиятга эга бўлганлиги сабаб бўлган. Бугунги кунда етакчи хорижий давлатларнинг қуролли кучларидаги барча машғулотлар замонавий ахборот технологиялари ва жанговар вазиятни моделлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса тўсатдан юзага келадиган вазият ва унга боғлиқ ҳолдаги фаолиятни юқори даражадаги сирликда олиб боришга, қўшинларни тезкор ва жанговар тайёргарлик самардорлигини оширишга, энг муҳими, молиявий ва бошқа манбаларни тежаш имконини беради. АҚШда барча ГАТ маҳсулотларининг 1/4 қисми Пентагонга тўғри келади⁶.


Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам симуляция ва моделлаштириш марказлари ташкил этилган. Симуляция ва моделлаштириш марказлари ўз фаолиятида замонавий ГАТ технологияларига таянади. Диссертациянинг айрим натижалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг симуляция ва моделлаштириш марказини яратишда қўлланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатлари ҳудуди учун уч ўлчовли моделлаштириш имконияти бўлган кенг кўламли рақамли топографик карталар (РТК) ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижасида автоматик профилни қуриш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, у керакли масштабни ҳам вертикал, ҳам горизонтал равишда ўзгартиришга имкон беради. Тадқиқотда майдоннинг қиялигини ҳисоблаш технологияси ишлаб чиқилган. Шу мақсадда, турли об-ҳаво шароитларида ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум бир ҳудудга ишчи кучи ва техникани самарали ҳаракатлантириш чораларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган қиялик картаси ишлаб чиқилган (1-расм).

Шунингдек, махсус вазифаларни ҳал қилиш учун жойнинг уч ўлчамли моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалиётда фойдаланиш бўйича

⁶ Kuchera K.P. The application of GIS technology: an overview and strategies for implementation by a public or private organization//Eur. Transit.: Context of GIS: Conf. Proc., Brno, Aug. 28th-31st, 1994. -Brno,1994. - P. 64-71

услубий кўрсатмалар тақдим этилган.

Диссертациянинг мазкур боби якунида ГАТ технологияларини атроф-муҳит ҳолати мониторингини ташкил этиш, мониторинг натижаларини



1-расм. Ҳудуд нишаблиги тасвирланган карта

таҳлил қилиш ва баҳолашда қўллаш имкониятларининг истиқболлари масалалари ёритилган.

Диссертациянинг **"Ер ресурслари ҳолатини ГИС ва юқори аниқликдаги космик суратлардан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш ва баҳолаш"** деб номланган **иккинчи бобида**, рельеф эффектларини ҳисобга олган ҳолда, юқори аниқликдаги космик суратларни прецизион орторектификация қилиш технологиясини такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллаш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Мавжуд космик суратлар, рельефни ҳисобга олмаслик сабабли ҳосил бўладиган бузилишни камайтириш масалалари уларга қўшимча ишлов беришни талаб қилади. Диссертацияда юқори аниқликдаги IKONOS космик суратларининг, рельеф эффектларини ҳисобга олган ҳолда, уларни юқори аниқликдаги орторектификация қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ишда Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани (33 та номенклатура саҳифа) ва Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани (45 та саҳифа) ҳудудларига оид космик суратлардан фойдаланилган. Суратлар аниқлиги 1 м га тенг бўлиб, WGS84 координаталар системаси ёрдамида UTM проекциясига геометрик коррекцияланган. Бундан ташқари, горизонтал натурадаги аниқлик ўртача 15 м ни ташкил қилган. Тадқиқотда рельефни ҳисобга олмаслик натижасида ҳосил бўладиган ноаниқлик эътиборга олинмаган.

Космик суратлар аниқлигини ошириш учун уларни аниқ орторектификация қилиш бўйича ишлар олиб борилган. Шу мақсадда, тадқиқот ҳудудининг 1:10000 миқёсдаги рақамли рельеф моделлари ишлаб чиқилган. Рақамли рельеф модели ҳамда ердаги таянч нуқталар параметрлари

асосида орторектификация ишларини олиб бориш натижалари космик суратларнинг горизонтал аниқлигини CE90 (Circular Error) 2 м га етказиш имконини берган.

Тажирибалар натижаларининг таҳлиллари асосида, Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг ҳар бир номенклатураси учун камида 7 та таянч нуқталарнинг координаталаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган.


Замонавий геодезик асбоб-ускуналар ёрдамида олинган съёмкалар, рельеф эффектларини ҳисобга олган ҳолда махсус ишлов берилган космик суратлар билан қиёсий таҳлил қилинган. Натижада, ишлов берилган юқори аниқликдаги космик суратлар асосида тузилган ортофотопланлар аниқлигининг 1:25000-1:10000 масштабдаги ер кадастри карталари ва планларига қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши кўрсатиб берилган.

Космик фотосуратлар олинаётган кунларда ҳудудда параллел равишда дала тадқиқотлари ҳам ўтказилган. Кейинчалик, дала тадқиқотлари материаллари космосдан олинган суратлар билан қиёсланган. Сунъий йўлдош остида, яъни ерда ўтказилган экспериментлар ва фотосуратларни камерал қайта ишлаш натижалари асосида дешифровка эталонлари банки яратилган.


Тадқиқотда экин турлари ва ҳолатини батафсил ва аниқ таснифлаш мақсадида автоматик классификация қилиш бўйича ишлар олиб борилган. IKONOS космик суратларини классификация қилиш бўйича ишлар ERDAS Imagine Subpixel Classifier модули технологиясига асосланган ҳолда бажарилган (2-расм).



2-расм. Ўсиш даражаси турлича бўлган ғўза майдонлари тасвирланган ортофотоплан фрагменти



3-расм. Космик суратларни субпиксел классификация қилиш бўйича ишлов бериш натижаси



4-расм. Космик суратларда юқори даражада шўрланган тупроқ турларини (иккиламчи шўрланиш) аниқлашга мисол. Боёвут-1 ширкат хўжалиги



IKONOS космик фотосуратларига қайта ишлаб берилган (3-расм). Космик фотосуратларни қайта ишлашда учта каналдан фойдаланилган: қизил, яшил ва кўк. Қайта ишлаш натижаларининг таҳлили ғўзанинг ҳолатини янада батафсил таснифлаш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Қайта ишланган суратда ғўзанинг ҳолати 5 градацияга ажратилган:

1. Ғўза ўсимлиги қопламининг ҳолати жуда яхши бўлган майдонлар, суратда кўк ранг билан ажратилган. Кутилаётган ҳосилдорлик 35 ц/га гача;

2. Ғўза ўсимлигининг ҳолати яхши бўлган майдонлар, ҳаво ранг билан белгиланган, ҳосилдорлиги 20-28 ц/га;

3. Ғўза ўсимлигининг ҳолати қониқарли майдонлар, ҳосилдорлиги 13-20 ц/га бўлган жойлар, сариқ ранг билан ажратилган;

4. Ғўза ўсимлигининг ҳолати қониқарсиз майдонлар, тўқ сариқ ранг билан белгиланган, ҳосилдорлиги 5-13 ц/га;

5. Ғўза ўсимлигининг ҳолати ҳаддан ташқари қониқарсиз ҳолатда, гектарига 5 ц/га дан кам майдон қизил ранг билан белгиланган. Ушбу жойларда суб-қумли тупроқ тури, шунингдек, юқори даражада шўрланган тупроқлар мавжуд, иккиламчи шўрланиш натижаси (4-расм). Диссертацияда ушбу ҳудудларни қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқариш тавсия этилган.

Диссертациянинг «**ГАТ технологиялари ва математик моделлаштириш усуллари асосида атроф-муҳитни комплекс таҳлил қилиш ва баҳолашнинг технологик тамойиллари**» номли учинчи бобида ушбу соҳада фойдаланадиган математик моделлаштириш ва комплекс таҳлил қилишнинг замонавий технологик ечимлари ёритилган.

Картографик материални мантиқий-математик қайта ишлаш усуллари замонавий математикада "ноаниқ математика" номи билан маълум бўлган ва асосчиси Лотфи А.Заде⁷ ҳисобланган янги йўналиш усуллари ёрдамида амалга оширилган. Ушбу ёндашувлар иқлим ва тупроқ ресурслари ҳамда чўллашиш жараёнларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти ва аҳоли турмуш шароити ҳамда соғлиғига таъсирини баҳолаш усули билан районлаштириш карталарини тузишда қўлланилган. Ишда қишлоқ хўжалигини юритиш учун қулай шароитлар деганда, Ўзбекистонда асосий қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобланган - ғўза ва ғалла етиштириш учун қулай шароитлар назарда тутилган.

Тузилган карталарнинг ҳар бири мустақил равишда қизиқиш уйғотади ва улардан қулай шарт-шароитлар нуқтаи назаридан аҳоли саломатлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқлим, тупроқ ресурслари ва чўлланиш жараёнини Ўзбекистон Республикасида баҳолашда бирламчи маълумотлар манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. Уларнинг таҳлилий яқунлари бошқа тадқиқотлар^{8, 9, 10, 11, 12} натижаларига ҳам мос келади.


⁷ Zadeh L.A. Fuzzy Sets. Information and Control, v. 8, 1965. P. 338–353.

⁸ Кузиев Р.К. К вопросу размещения сельскохозяйственных культур с учетом качества почв. Проблемы рационального использования земельных ресурсов: Материалы научно-производственной конференции. Ташкент, 11-12 сентября 2007 г. Ташкент, Uneck print, 2007 (а). С.73–75.


⁹ Глазирин Г.Е., Чаньшева С.Г., Чуб В.Е. Узбекистон иклимининг кискача очерки. -Тошкент, «Chinor ENK», 1999, 32 б.

¹⁰ Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан Ташкент: VORIS-NASHRIYOT, 2000. 253 с.

Тадқиқотда синтез картани яратишда OVERLAY¹³ процедураси қўлланилган. Ушбу процедура икки ёки ундан ортиқ мавзули карталарда намоиш этилган объектларни биргаликда таҳлил қилишга имкон беради ва ушбу таҳлил натижалари асосида синтез карталар яратилади [Қурбонов, 2018]. Синтез картани тузишда, ҳар бир мавзули картанинг мақсадларига мувофиқ равишда, уларнинг аҳамияти (юки) ҳисобга олинган. Диссертацияда OVERLAY процедурасидан фойдаланиб карталарни синтез қилиш технологияси қўлланилган (5-расм). Иқлим ва тупроқ ресурслари карталарини ҳамда чўллашиш жараёнларининг таъсири натижасида комплекс районлаштириш картасини яратишда ҳар бир мавзули картанинг аҳамияти, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, ақлий ҳужум усулида аниқланган. Диссертацияда Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг фаровон яшаши ва саломатлиги учун қулай шароитларни баҳолаш (6, а-расм) ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қулай шароитлар (6, б-расм) нуқтаи назаридан синтез районлаштириш карталари яратилган.



5-расм. OVERLAY процедураси асосида карталарни қўшиш технологияси



6-расм. Ўзбекистон ҳудудини аҳоли саломатлиги (а) ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (б) учун қулайлиги бўйича районлаштириш мақсадида яратилган карталар

Диссертацияда турли мавзули карталарнинг, ҳар бирининг аҳамиятини ҳисобга олиш мақсадида, яратилган синтез ва уларнинг ҳар бирини алоҳида қатлам сифатида устма-уст қўйган ҳолда, комплекс таҳлил қилиш натижалари, юқори даражада интеграллашган янги синтез карталар яратиш имконини берган.

Диссертациянинг **тўртинчи боби «Атмосфера ҳавоси ифлосланишини биоиндикация усули билан ва ГАТ технологиялари асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш»** деб номланган. Диссертацияда ушбу масалани кўриб чиқишда, атмосфера ҳавосининг ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш учун лозим бўлган қурилмалар, асбоб-ускуналар ва материаллар катта

¹¹ Атлас почвенного покрова Республики Узбекистан//Государственный комитет по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру. Ташкент, 2010, 43 с.

¹² А. А. Рафиқов, И. А. Хасанов, В. А. Попов и др.; Отв. ред. Г. Ф. Тетюхин. Опустынивание в Узбекистане и борьба с ним. Ташкент: Фан, 1988. 156 с.

¹³ Teng A.T., Joseph S.A., Shojae A.R. Polygon overlay processing: a comparison of pure geometric manipulation and topological overlay processing. –Int. Symp. of Spatial Data Handling, Second, July 5–10, 1986, Seattle, Washington, U.S.A., N.Y., 1986. P. 102–119.

харажатлар талаб қилиши, бунинг оқибатида улардан амалиётда янада кенгроқ фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда дунёда атмосфера ҳавоси ифлосланишини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг биомониторинг усуллари жадал суратларда ривожланмоқда. Мутахассислар ва тадқиқотчилар, ўсимликларни атмосфера ҳавоси ифлосланишининг энг сезгир ва ишончли индикаторлари, деб билишади. Атмосфера ҳавоси ва атроф-муҳитда кўпинча битта эмас, балки бир нечта ифлослантувчи токсик моддалар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда, яъни ифлослантувчилар таъсирида тирик организмларда кўпинча синергизм пайдо бўлади. Ушбу синергизмни физик-кимёвий усуллар билан аниқлаб бўлмайди. Аммо диссертацияда уни биоиндикация усуллари ёрдамида аниқлашнинг катта имкониятлари мавжудлиги ҳисобга олинган.

Таъкидлаш лозимки, биомониторинг атроф-муҳит ҳолатини ўрганишда физик-кимёвий усулларнинг ўрнини босолмайди. Шу билан бирга, тадқиқотда ундан фойдаланиш инсон фаолияти таъсири натижасида экологик тизимда юзага келган маълум даражадаги силжишларни баҳолаш аниқлигини ошириш имконини берган.


Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндиларда, одатда, олтингугурт икки оксиди (SO_2), углерод диоксиди (CO_2), азот (NO_2) оксидлари ва қаттиқ моддалар каби ингредиентлар устунлик қилади. Ушбу ингредиент моддалар игна барглар устига ўтириб ва кутикуларлар орқали ўсимлик хужайраларига кириб, некротик доғлар пайдо бўлишига ва кейинчалик игна баргларнинг тўлиқ қуришига олиб келади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда оддий қарағай ҳаво ифлосланишига энг сезгир ўсимлик сифатида танланган. Тадқиқот натижасида - биоиндикация усуллари ва интеграциялашган ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги 36 та аҳоли пунктида атмосфера ҳавосининг ҳолати антропоген ифлосланиш даражаси бўйича таҳлил қилинган, баҳоланган ва уларнинг натижалари асосида районлаштириш карталари яратилган.

Ишда игна баргли дарахтларга етказилган зарарни баҳолашда игна баргларга атмосфера ифлосланиши етказган зарар даражасига қараб таснифлаш ва ўлчов даражаларини белгилаш, яъни шкалаларга бўлиш усулидан фойдаланилган. Айни пайтда, атмосфера ҳавосининг турли қийматлардаги ифлосланиш даражаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсиясига биноан баҳоланган¹⁴.


¹⁴ Андреева Е. Н., Баккал И. Ю., Горшков В. В., Лянгузова И. В., Мазная Е. А., Нешатаев В. Ю., Нешатаева В. Ю., Ставрова Н. И., Ярмишко В. Т., Ярмишко М. А. Методы изучения лесных сообществ - СПб.: НИИ Химии СПбГУ, 2002. - 240 с.

Диссертацияда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига шомол йўналишининг таъсирини эътиборга олиш мақсадида, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудларининг уч ўлчовли модели ишлаб чиқилган. Ушбу ҳудудлар атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси бўйича, уларнинг районлаштирилган рақамли карталари тузилган (7- ва 8-расмлар).

Тадқиқотда Тошкент ва Фарғона вилоятлари атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бўйича экологик районлаштириш карталари таҳлил қилинган. Натижада атмосфера ҳавоси энг ифлосланган ҳудудларнинг йирик саноат объектлари мавжуд бўлган текислик ва тоғолди зоналарида жойлашганлиги аниқланган. Энг тоза атмосфера ҳавоси тоғли ҳудудларда қайд этилган. Тошкент вилоятида ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлар - Ангрен ва Олмалик бўлса, Фарғона вилоятида - Фарғона ва Қўқон шаҳарларидир.



7-расм. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси бўйича Тошкент вилояти картаси



8-расм. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси бўйича Фарғона вилояти картаси

Диссертациянинг бешинчи боби «Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган тизимини ГАТ технологиялари асосида ишлаб чиқиш» деб номланади. Бунда асосий эътибор ўрмон кадастрини, автоматлаштирилган давлат кадастрлари ягона тизимининг (ДКЯТ) ажралмас қисми сифатида, ГИС технологиялари асосида яратишнинг технологик тамойилларини ёритиш масалаларига қаратилган.

Тадқиқотда ўрмон кадастри китобининг таркибий тузилишига мувофиқ, Microsoft Office Access муҳитида реляцион маълумотлар базаси яратилган. Рақамли кадастр карталари ArcGIS муҳитида ишлаб чиқилган. Улар дала тадқиқотлари материаллари ва ортофотопланларни дешифровкалаш асосида яратилган.

Тадқиқот жараёнида семантик ахборотларнинг маълумотлар базасини яратиш ва уни сақлаш ҳамда юритиш мақсадида қуйидаги вазифалар ҳал қилинган:

- картографик объектлар ва семантик маълумотлар базаси (МБ) объектлари ўртасида алоқани ўрнатиш имконияти;

- ахборотларни киритиш ва тузатиш;

- классификаторлар ва маълумотномаларни, шу жумладан, тайёр классификаторлар ва маълумотномаларнинг ҳужжатларини юритиш;

- семантик ахборотлар ва картографик маълумотлар базалари процедураларидан классификаторлар ва маълумотномаларга муурожаат қилиш имконияти;

- ахборотларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

Картографик маълумотлар базасини лойиҳалаш, яратиш ва сақлашда қуйидаги вазифалар ҳал қилинган:

- турли манбалардан маълумотларни киритиш имкониятини таъминлаш;

- хатоларни рўйхатга олиш ва автоматик равишда тузатиш;

- мукамал интерактив график таҳрирлаш воситаларининг мавжудлиги;


- масофадан туриб зондлаш материаллари билан ишлаш;

- топологик таркибий тузилишнинг автоматик шаклланиши ва бошқалар.


Маълумотлар базасидаги ахборотлар, картографик маълумотлар ва ерни масофадан туриб зондлаш материаллари ўртасидаги алоқа усуллари ArcGIS стандарт дастурини қўллаш асосида ҳал қилинган.

ДҚЯТнинг бошқа автоматлаштирилган кадастр тизимлари билан ўзаро алоқада ишлашнинг таъминлаш учун компьютер дастурлари ва фойдаланувчиларга қулай интерфейс ишлаб чиқилган. Натижада ундаги интерактив график таҳрирлаш воситалари давлат тилида ишлаб чиқилган. Ҳужжатлар тавсифи, атрибутив материаллар ва объект ҳақидаги маълумотларни картографик маълумотларга мос ҳолда таҳлил этиш имконияти яратилган. Диссертацияда маълумот олиш тизимидан фойдаланиб, идентификация рақами 003:0001:008 бўлган объектни излаш намунаси ва ушбу объектга боғланган атрибутлар тўғрисидаги маълумотлар берилган (9-расм).

Диссертацияда давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган тизимини яратиш мақсадида Наманган вилоятида жойлашган ва турли хил дарахлардан таркиб топган, ихтисослашган Абу Али ибн Сино ўрмон хўжалиги танланган. Диссертацияда калит майдон сифатида, Наманган вилоятининг ушбу ихтисослашган ўрмон хўжалигига қарашли "Гулистон" ўрмон бўлимининг умумий тарзда кўриниши ва унинг рақамларда ифодаланган атрибутив маълумотлари тавсифига, алоҳида эътибор қаратилган (10-расм).



9-расм. Ахборот-қидирув тизимидан фойдаланиб идентификация рақами 003:0001:008 бўлган объектни излаш



10-расм. Абу Али ибн Сино ихтисослашган ўрмон хўжалиги "Гулистон" ўрмон бўлимининг умумий кўриниши ва унинг атрибутив маълумотлари

Ҳозирги кунда Наманган вилоятидаги Абу Али ибн Сино ихтисослашган ўрмон хўжалиги мисолида Давлат ўрмон кадастри автоматлаштирилган тизимининг ГИС модели амалиётда синаб кўрилган ва ундан фойдаланувчи истеъмолчиларни ўқитиш амалга оширилган. Модел эса Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасига фойдаланишга топширилган.


Диссертациянинг **олтинчи боби** ГАТ технологиялари ва масофадан зондаш материалларидан фойдаланган ҳолда, сейсмик жиҳатдан фаол зоналарда жойлашган сув омборларининг муҳандислик-геологик шароитларини ва уларга шикаст етказувчи асосий омилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш масалаларига бағишланган.

Тадқиқотда таҳлиллар ва баҳолашлар Жанубий Сурхон сув омбори мисолида, 1956 йилдан, яъни уни лойиҳалаш, дала тадқиқотларини ўтказиш ва қурилиш ишлари бошланганидан то ҳозирги кунгача бўлган давр учун амалга оширилган.

